



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
19 сентябрь
ШАНБА
№ 75
(12.191)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида"ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонида мувофиқ:

1. 2009 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 21 сентябрда тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг муҳофизатини инобатга олиб, 2009 йил 21 сентябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2009 йил 16 сентябрь.

**ГФР Ташқи ишлар
вазирлигида Ўзбекистон
томонидан Қайта
тикланувчи энергия
манбалари бўйича
халқаро агентлиги
(IRENA) низомини
имзолаш маросими бўлиб ўтди. Хужжатни
мамлакатимиз номидан Ўзбекистоннинг
ГФРдаги элчиси
Б. Фуломов имзолади.**

НИЗОМ ИМЗОЛАНДИ

IRENAnи ташкил этиш ташаббуси ГФР томонидан илгари сурилган бўлиб, жорий йил 26 январда ушбу мамлакатнинг Бонн шаҳрида агентлиkning таъсис конференцияси бўлиб ўтганди. Анжуман давомида унинг низомига 75 мамлакат имзо чеккан. Айни пайтга келиб хужжатни имзолаган мамлакатлар сони юздан ошиб кетди.

IRENAnинг асосий вазифаси саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга қайта тикланувчи энергия соҳасида маслаҳатлар бериш, уларга энергиянинг мазкур манбаларини жорий этишда кўмаклашишдан иборат. Агентлик аъзоларига қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасини ривожлатишнинг қўллаб-қувватлаш борасидаги умумий келишувларни яратиш ва такомиллаштириш, бу соҳадаги билим ва технологияларни тарқатишда ёрдам кўрсатишда IRENA фаолиятидаги устувор йўналишлардан ҳисобланади.

ГФР IRENA низомининг депозитарий ҳисобланган, агентлик бош қароргоҳини жойлаштириш учун номзод ҳамдир. Жорий йил 29-29 июнь кунлари Мисрининг Шарм-аш-Шайх шаҳрида агентлик тайёрлов комиссиясининг мажлиси ўтказилиб, унда муассасанинг бош қароргоҳини жойлашувчи шаҳарни белгилаш, унинг бош директори тайинлаш ва агентлик фаолияти билан боғлиқ бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилди.

"Жаҳон" АА.
Берлин.

МЕХР-ОҚИБАТ МУҲИТИ— ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасида маҳалларда профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳалла посбонлари билан ҳамкорликда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш бўйича олиб бораётган ишларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан алоқаси тобора мустаҳкамланаётгани жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир. Зеро, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳити мустаҳкам жойда тинчлик ва осоёйишталик ҳамиша барқарор бўлади.

Брифингда масъул ходимлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

ЎЗА.



ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ФЕСТИВАЛИ

Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир. Бу тамойил мамлакатимизда кейинги йиллар алоҳида устувор мазмун-моҳият касб этмоқда. Хусусан, мустақиллик йиллари юртимизда оилаларда соғлом муҳитни барқарорлаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни вояга етказиш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган республика аёллар спорт фестивали ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётган йирик лойиҳалардан. Нуфузли тадбирнинг бу йилги вилоятимиз мезбонлигида Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтди.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросими шаҳардаги республика олимпия заҳиралари коллежининг замонавий ёпик спорт саройида бўлиб ўтди. Байрамона безатилган майдонга бирин-кетин турли вилоятлардан келган жамоалар чиқиб келишди. Иштирокчиларни мезбон вилоят ҳокими Рустам Холматов

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова самимий кутлади. Катнашчиларга хуш кайфият улашиш мақсадида ўзбек эстрада юлдузлари иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди. Таъкидлаш жоизки, икки кун давом этган йирик спорт фестивалига чинакам байрамона руҳ бахш этишда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси алоҳида жонбозлик кўрсатди.

— Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида шу нарсга амин бўлдимки, бутун мамлакатимизда спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётган хотин-қизларимиз сафи анча ошган, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва. — Улар орасида оддий уй бекалари, назокатли ёш қизларимизнинг кўпчилиги яна ҳам қувонарлиқдир.

Фестивалнинг асосий ва қизил қисми шубҳасиз, ўйингоҳларда кечди. Қарийб 400 га яқин спортчи аёллар волейбол, стритбол, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастрада турлари бўйича беллашди. Айниқса, енгил атлетиканинг 4 тури бўйича ўтган мусобақалар ҳаржонли лаҳзаларга бой бўлди.


Икки кун давомида гўят қизгин ва самимий руҳда ўтган мусобақалар ғолиблари номи фестивалнинг якуний қисмида тантанали эълон қилинди.

Фестивалнинг ғолиб ва совриндорларига ташкилотчиларнинг махсус дипломлари ва қимматбаҳо совғалари тортқ этилди.

Файрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.



СУРАТЛАРДА: фестивалнинг очилиш тантаналари; спорт бемашгувларидан лавҳалар.



Даврон АХМАД ва Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Ёнғин ўчириш амалий спортини бўйича вилоят чемпионати бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ёнғин хавфсизлиги қисмлари вакиллари билан иборат 12 та жамоа иштирок этди. Биринчи

ўринни эгаллаган Чирчиқ шаҳар ҳамда "ОКМК" очик акциядорлик жамияти терма жамоалари дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бекобод ва Янгийўл шаҳарлари иккинчи, Янгийўл ва Зангиота туманлари учинчи ўринни эгаллашди.

Барно АЗИМОВА,
вилоят ёнғин
хавфсизлиги
бошқармаси назори.

Обуна-2010

«СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМНИ ЙИЛ БЎЙИ ОЛАМАНИ»

— дейди "Тошкент ҳақиқати" газетасига 2010 йил учун обунани расмийлаштирган меҳнат фахрийси Еқубжон Туробов

Шаҳар ва қишлоқларда келгуси йил учун газета ҳамда журналларга обуна бўлиш кун сайин қизгин тус олаётир. Корхона ва ташкилотларда, маҳалларда обунани ташкил этиш юқлатилган масъуллар, "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонаси, почта алоқаси ходимлари ташвиқот-тўшунтириш ва ташкилотчилик ишларини кучайтиришаётир.

— Йиллик обунани расмийлаштириб қўйсанг, кўнглинг тинч, қизиқишингга мос журналми, газетамиз узулқисс келаверади, — дейди Зангиота туман

Эшонгузар қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Еқубжон Туробов. — Мен севишли "Тошкент ҳақиқати" газетамга бир йиллик обунани ҳужжатлаштириб қўйдим.

Бугун деярли ҳар бир алоқа бўлимида шундай манзаранинг устидан чиқас. Матбуот тарқатувчилар бевосита корхоналар, ташкилотларда, мактаблар ва коллежларда обунани ташкил этишаётир. Фақат вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонасининг ўзи 580 номдаги газета ва журналларга обуна тўпламоқда.



СУРАТДА: Бекобод туманидаги Давларзин маиший хизмат коллежи биринчи босқич талабалари Ситора Тоҳирова (чапдан), Мадийр Жалилов ва Мадина Умирова обуна тўплаш пайтида.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Брифинг

САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНМОҚДА

Шу йил 17 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Шу йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг конституциявий ваколат мuddати тугаши муносабати билан 2009 йил 27 декабрь кунини давлат ҳокимиятининг ана шу вакиллик органларига сайлов ўтказилади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов кампаниясини шу йилнинг 22 сентябридан бошланишини маълум қилди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида хорижий ва маҳаллий журналистлар сайлов учун брифинг ўтказилди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида" қарор қабул қилинганлигини маълум қилиб, унда қўзда тутилган асосий тадбирларни муфассал таърифлаб берди.

Сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар сайлов қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепциянинг асосий қондалари ва талабларига оғишмай риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши алоҳида таъкидланди. Сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳеч бири айрича имтиёз ёки устуниликка эга эмас. Қонун ҳужжатларининг меъёрлари, талаблари бир хил бўлиб, барча иштирокчилар учун мажбурий ҳисобланади.

Сайловга тайёргарлик ва бевосита сайлов жараёнига ҳеч кимнинг, аввало, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига асло йўл қўйилмаслиги алоҳида ўқтирилди. Шунингдек, сайлов қонунчилиги меъёрлари ва талабларини бузишга уришлар, ҳомийлик қилиш

ҳолларига нисбатан қатъий чоралар кўрилади.

Брифингда иштирок этган хорижий ва маҳаллий журналистлар сайлов қонунчилигининг сайловларни янада эркинлаштириш, партиялараро рақобатни кучайтиришга қаратилган янги меъёрлари билан таъкидланди. Чунотки, қонун ижодкорлиги даражасини, партиялар ҳамда фуқаролик жамияти муассасаларининг мамлакатни демократик аниглаш жараёнидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги ўринлар сони 120 тадан 150 тага қўпайтирилди. Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш инсти-тутини бекор қилинди. Эндиликда бу ҳуқуқдан факат сиёсий партиялар фойдаланадилар. Янги қонунга қўра, Ўзбекистон Экологик ҳаракати кўрсатадиган номзодлар учун 15 та депутатлик ўрни берилмаётир.

Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари 5 нафардан 10 нафарга қўпайтирилди. Эндиликда сиёсий партияларнинг ваколатли вакили ҳам белгилаб қўйилди. У ўз партияси ваколатини баҳариб, овозларни санаб чиқишда, имзо варақаларини тўғри тўлдирилганлигини текширишда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланади. Сайлов қонунчилигига қиритилган янги қондалар сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишнинг барча жараёнларида ошқораликни тўла таъминлашга қаратилган.

Брифингда мамлакатимизда эркин, адолатли ва демократик сайлов очик, ошқора ўтказилишини таъминловчи ҳуқуқий асослар яратилганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASIGA, XALQ DEPUTATLARI VILOYAT, TUMAN VA SHAHAR KENGASHLARIGA SAYLOV BUIYCHA SAYLOV KAMPANIYASI BOSHLANISHINI EZLON QILISH TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғiston Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат мuddати тугаши муносабати билан 2009 йилнинг декабрь ойида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланишини эълон қилинсин.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2009 йил 22 сентябрдан бошланишини эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 127,5 минг сай-

ловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари тўзилсин ва уларнинг чегаралари ҳамда сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати 2009 йил 12 октябрга қадар эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари:

2009 йилнинг 28 октябрга қадар сайлов участкаларини;

2009 йилнинг 17 ноябрга қадар участка сайлов комиссияларини тузадилар.

(Давоми 2-бетда).

